

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ S/4 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*

1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ  
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ  
БОШЛАНИШИ ..... 10-21

*Бабалжанов Хасан Бахтиёрович*

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ  
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*

ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ..... 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*

O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS  
OBJEKTLARINING O'RNI ..... 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*

А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ  
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ..... 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*

FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ..... 52-58

*Фарманова Гульнора Комилевна*

ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА  
АФРАСИАБЕ ..... 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*

DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN  
OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ..... 66-71

*Сотиболдиев Файратжон Отамирзаевич*

ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР ..... 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
ТАВСИФИ ..... 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*

БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ..... 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ..... 96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*

ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI .....	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbonov Ma‘murjon G‘ayrat o‘g‘li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asatxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzatova Nargiza Garurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ЎРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'yudinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'uchiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i> ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i> TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDA LMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325
<i>Асадова Дилбархон</i> ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ .....	326-342
<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i> BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i> ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
<i>Шымбергенова Улзада</i> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
<i>Мирзаев Шухрат Шавкатович</i> КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i> "ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Farrux Axmedov</i> XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
<i>Музафарова Саодат Хайдаровна</i> ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415

<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ .....	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI .....	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI .....	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI .....	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI .....	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР .....	472-476

12.00.00 – Юридик фанлар

**Полвонов Нажмиддин Аслиддинович**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза  
қилиш академияси мустақил изланувчиси

### **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада жиноят процессида мол-мулкни мусодара қилиш мақсади ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада олимларнинг жиноят процессида мол-мулкни мусодара қилиш мақсади ва унинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан илгари сурган қарашлари орқали ушбу мол-мулкни мусодара қилиш мақсадининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Мақолада олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, жиноят процессида мол-мулкни мусодара қилишнинг мақсади ва унинг ўзига жиҳатлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мусодара, махсус мусодара, умумий мусодара, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, моддий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ, мусодара мақсади.

**Полвонов Нажмиддин Аслиддинович**  
Самостоятельный соискатель Академии  
правоохранительных органов  
Республики Узбекистан

### **АНАЛИЗ ЦЕЛИ КОНФИКАЦИИ ИМУЩЕСТВА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ И ЕЕ ОСОБЕННОСТИ**

**Аннотация.** В данной статье анализируется цель конфискации имущества в уголовном судопроизводстве и ее особенности. В статье раскрывается сущность цели конфискации имущества в уголовном судопроизводстве через высказанные учеными взгляды на цель конфискации имущества и ее особенности. В статье на основе взглядов и идей, выдвинутых учеными, разработаны предложения и рекомендации, касающиеся назначения конфискации имущества в уголовном судопроизводстве и ее аспектов.

**Ключевые слова:** конфискация, специальная конфискация, общая конфискация, уголовное право, уголовно-процессуальное право, материальное право, процессуальное право, цель конфискации.

**Polvonov Najmiddin Asliddinovich,**  
Independent Researcher of the Academy of law  
enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan

### **ANALYSIS OF THE PURPOSE OF CONFISCATION OF PROPERTY IN THE CRIMINAL PROCEEDINGS AND ITS FEATURES**

**Abstract.** This article analyzes the purpose of confiscation of property in criminal proceedings and its specific aspects. The article reveals the essence of the purpose of confiscation of property in the criminal proceedings through the views put forward by scientists on the purpose of confiscation of property and its specific aspects. In the article, based on the views and ideas put forward by scientists, proposals and recommendations were developed regarding the purpose of confiscation of property in criminal proceedings and its aspects.

**Keywords:** confiscation, special confiscation, general confiscation, criminal law, criminal procedural law, material law, procedural law, purpose of confiscation

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N46>

**Кириш.** Мулк азалдан инсон ҳаётида, жамият ривожланишида муҳим рол ижро этган. Мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳар доим жиддийлик ва адолатни талаб этган. Жиноий жазоларнинг либераллашуви муносабати билан мол-мулкни мусодара қилиш жазо сифатида тугатилган бўлишига қарамаздан, оддий фуқаролар нигоҳида тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган жиноят – процессуал жавобгарлик сифатида мусодара ва хатлаш институтларининг мавжудлиги, хатланган мулкнинг ижрога қаратилиши эҳтимоли бўлганлиги ҳам мазкур мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Шунга кўра, жиноят процессида мусодарани қўллаш мақсади ва ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. Бизга маълумки жиноят-процессида ҳар бир процессуал чораларни қўллашда маълум мақсадлар кўзланади. Бундан мол-мулкни мусодара қилиш ҳам мустасно эмас. Бугунги кунда мусодара қилиш мақсадлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланмаганлиги сабабли, ушбу институтни қўллаш мақсадлари тўғрисида турли қарашлар келиб чиқмоқда.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Жиноят процессида мол-мулкни мусодара қилиш масаласи қонунчилик ҳужжатларида тўлиқ тартибга солинмаган. Бироқ, жиноят процессида мол-мулкни мусодара қилишга оид илмий изланишлар республикамиздаги бир қатор таниқли олимлари: З.Ф.Иноғомжонова, Б.Х.Пўлатов, У.А.Тухташева, Ф.М.Мухитдинов, Д.М.Миразов, Г.З.Тўлаганова, Б.Б.Хидоятлов, С.М.Рахмонова, Х.А.Каримов, Т.Тиллаев, Н.М.Қўшаев, Ш.Ф.Файзиев ва бошқалар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида жиноят ишларини юритишда мол-мулкни хатлаш масаласига тўхталиб ўтишган. Мақолани ёзишда индукция ва дедукция каби мантиқий услублардан, тарихийлик, қиёслаш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари талқини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, жиноят ишларига оид материалларни ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Муҳокама.** Мусодара қилиш мақсадини аниқлашда унинг жазо чораси ёки ҳуқуқий таъсир чораси сифатида қўлланилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Мусодара қилиш жазо чораси сифатида қўлланилган тақдирда унинг мақсади жазо мақсадидан келиб чиқади. Яъни, бунда асосий мақсадлар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишдир.

Бироқ, мол-мулкни мусодара қилишда жазонинг айрим мақсадларига эришиб бўлмайди. Мисол учун, жазонинг мақсадларидан бири ҳисобланган шахсни ахлоқан тузатишга мол-мулкни мусодара қилиш орқали эришиб бўлмайди. Сабаби, мол-мулкни мусодара қилишда қўлга киритилган мол-мулк шахсга ноқонуний равишда тегишли бўлиши ёки жиноий фаолиятда ишлатилиши лозим. Ушбу мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш орқали ҳар доим ҳам шахсни ахлоқан тузатиш мумкин эмас.

Р.А. Хачак ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суриб, мусодара қилишда айбдор шахс жиноят қуроллари ва воситаларини сотиб олган ёки мол-мулкни жиноий мақсадларда

ишлатган ҳолда, шахс бу мол-мулкни ундан тортиб олиниши мумкин деб ўйлаш хавфини олади, бу ҳам шахсни ахлоқан тузатувчи таъсирга эга эмас.

Бошқа икки жазо мақсадига келсак (ижтимоий адолатни тиклаш ва жиноятларнинг олдини олиш), бир қатор ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларга мулкни мусодара қилиш орқали эришиш мумкин.

Р.А. Хачак мусодара қилишнинг ижтимоий адолатни тиклаш каби мақсадини қуйидагича асослаб беради: шахснинг (қонуний мулкдорларнинг мулкӣ ҳуқуқлари) жиноят содир этишдан олдин мавжуд бўлган бузилган ҳуқуқлари тикланади [12, Б.23].

Мусодара қилиш билан боғлиқ ижтимоий адолатни тиклаш жиноий йўл билан олинган мол-мулкни тортиб олиш ва уни қонуний эгасига қайтаришда ёки мусодара қилишда, айбдор томонидан бошқа шахсларга моддий ёки маънавий зарар этказишда намоён бўлади [5].

Жиноятга алоқадор бўлган мулкни ноқонуний эгаллашдан тортиб олиш, аслида бундай мулкка эга бўлган шахсни аввалги мулкӣ ҳолатига қайтаришни англатади (қайта тиклаш) [3, Б.17], мусодара қилиш тиклаш хусусиятига эга ва мусодара қилишнинг тиклаш мақсади деб ҳисоблайдиган [11, Б.285] баъзи тадқиқотчилар билан келишиб бўлмайди. Чунки мусодара қилишда фақат қонуний эгасига қайтарилмаслиги керак бўлган мол-мулк мусодара қилинади (олиб қўйилади ва давлат мулкига ўтказилади).

Бироқ, махсус мусодара қилишда эса, жазо мақсадларидан фарқли равишда бошқа мақсадлар ҳам кўзланган. Буни қуйида айрим олимларнинг фикрини келтирган ҳолда таҳлил этамиз.

Айрим муаллифларнинг мусодара тушунчасига берган таърифларида ушбу чорани қўллашдан кўзланган мақсад ўз ифодасини топган. Хусусан, М. Мелниковнинг фикрига кўра махсус мусодара қилиш жиноий жазо ҳисобланмайдиган мажбурлов чораси бўлиб, қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

- 1) айбдорнинг жиноий йўл билан бойишининг олдини олиш;
- 2) янги жиноятларни содир этишига йўл қўймаслик;
- 3) мулкнинг қонун билан рухсат этилган йўллар орқали фуқаролик муомаласига айланишини таъминлаш [7, Б.126].

Ушбу фикрдан кўриш мумкинки, бу ерда энг асосий масала айбдор шахснинг жиноий йўл билан бойлик орттиришига йўл қўймаслик ҳисобланади. Шу билан бирга, айбдорнинг мол-мулки қонун билан фуқаролик муомаласига айлантирилиши мол-мулкни мусодара қилишнинг энг асосий мақсади ҳисобланади.

Бунда фуқаролик қонунчилик ҳужжатларига биноан жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк давлат даромадига ўтказилади. Бунинг натижасида айбдор шахснинг жиноий йўл билан қўлга киритган мол-мулки орқали қўшимча бойлик орттириши ҳам чекланади.

Шунингдек, юқоридаги фикрдан кўриш мумкинки, мол-мулкни мусодара қилиш профилактик чора сифатида айбдор шахслар ёки бошқалар томонидан янги жиноятларни содир этишига йўл қўймаслик мақсадида ҳам қўлланилиши мумкин. Бу билан мусодара мақсади жазо мақсадига яқин ҳисобланади. Чунки Жиноят кодекси 42-моддаси иккинчи қисмида жазо мақсади белгиланган.

Унга кўра жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Бироқ, бизнинг фикримизча, иккала институтнинг мақсади ўхшаш бўлгани билан бир-биридан фарқ қилади. Мусодара мақсади кўпроқ хавфсизлик чораси сифатида намоён бўлади. Жазо мақсади эса, тарбиявий мақсадларни ҳам ўз ичига олиб, жазо аниқ тартиб ва шартлар асосида қўлланилади.

Жазо тури сифатида мусодара қилиш мақсадлари жиноий-ҳуқуқий манбаларда (мисол учун, Жиноят кодекси 42-моддаси) кўзда тутилган бўлади. Иккаласига хос бўлган умумий жиҳатлардан бири улар ижтимоий адолатни тиклашга ва янги жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилишидир.

В. Сверчков ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суриб, мусодара қилиш одамларни жиноят содир этиш орқали моддий бойлик орттириш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадида мол-мулкни давлат даромадига зўрлик ишлатиш орқали бепул олиб қўйишдир [10, Б.94], деган фикрни билдирган.

Ушбу олим мол-мулкни мусодара қилишдан асосий мақсад деб айбдор шахснинг жиноят содир этиш орқали моддий бойлик орттиришини олдини олиш деб таъкидлаган. Бироқ, махсус мусодара қилишнинг мақсади фақатгина бойлик орттириш билан чекланмайди. Унинг берган таърифида мусодара қилишнинг жиноятларни олдини олишдаги профилактик мақсади ўз ифодасини топмаган. Бизнинг фикримизча, мол-мулкни мусодара қилиш мақсади сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат айбдор шахсга, балки жиноий йўл билан ёки жиноят содир этиш қуроли ва воситасидан фойдаланган бошқа шахсларга, балки жамиятнинг барча аъзоларига қаратилган.

Мусодара қилиш мақсади сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига айрим олимлар ўз илмий ишларида тўхталиб ўтишган.

А. Пропостиннинг фикрига кўра эса, мусодара қилишнинг мақсади шахсий ва умумий жиноятчиликнинг олдини олишдир. Ҳозирги мусодара жиноий сиёсатни амалга ошириш шакли эмас (жиноят ҳуқуқи, жиноий процессуал ва жиноий ижроия), аслида, профилактика (жазосиз) сиёсати деб аталадиган жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг бу қисмини билдиради [9, Б.7].

Муаллиф фикрига кўра, мусодара қилишнинг бевосита мақсади шахсни, жамиятни ва давлатни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг объектив-субъектив ҳолати сифатида тушуниладиган криминологик хавфсизлик чораларидир. Бунда криминологик хавфсизлик чоралари жиноятларнинг олдини олишда умумий ва махсус профилактика орқали амалга оширилади.

Ушбу муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, мусодара қилиш мулкни ёки унинг бир қисмини айбдор шахсдан маҳрум қилишдан иборат бўлганлиги сабабли, уни криминологик хавфсизликни таъминловчи мулкӣ чорага киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, мол-мулкни мусодара қилиш орқали жиноятларни олдини олиш, биринчи навбатда, айбланувчига тегишли бўлган ва жиноятни содир этиш воситаси ёки қуроли сифатида ишлатилган мулкни тартиб олишга хос бўлиб, бу орқали давлат айбдор шахс ёки жамиятнинг бошқа аъзоларининг кейинги жиноий фаолиятини тўхтатишга эришади.

Юқорида қайд этилганидек, мусодара қилишнинг мақсади кўп жиҳатдан жазо мақсадларига ўхшайди: мусодара, ижтимоий адолатни тиклашга қаратилган, умумий профилактик ва хусусий профилактик йўналишга эга ва шахсни тузатишга ҳисса қўшади.

Бироқ, мусодара қилишнинг аниқ белгиланган мақсади маҳкумни жазолаш эмас, балки бузилган ҳуқуқий муносабатларни тиклашдир, чунки мусодара қилинадиган мол-мулкдан жабрланувчи ва бошқа шахсларга етказилган зарарни қоплашда фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мусодара қилишнинг мақсади деганда, айбдор шахснинг жиноий йўл билан бойлик орттиришига йўл қўймаслик, айбдор ёки бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда шахснинг жиноят натижасида қўлга киритган мол-мулкни ҳақ тўламаслик шарти давлат фойдасига ўтказишдир.

Бизнинг фикримизча, мусодара институтини ҳозирги кўринишида қўллашнинг қуйидаги умумий мақсадлари мавжуд:

- 1) ижтимоий адолатни тиклаш (бу мақсадни қўллашда юқоридаги кўрсатилган хусусиятларни ҳисобга олиш лозим);
- 2) айбдор шахсларнинг бойлик орттиришига йўл қўймаслик;
- 3) жиноятларнинг олдини олиш (умумий ва хусусий профилактика).

Шу билан бирга, умумий мақсадлардан ташқари мусодара қилиш учун қуйидаги махсус (аниқ) мақсадлар ҳам ҳосдир:

1) айбдор ёки унга алоқадор шахсларни (унинг яқин қариндошларини) жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулкдан маҳрум қилиш. Ушбу мақсад юқоридаги умумий мақсад ҳисобланган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир мувозанати сифатида тушуниладиган ижтимоий адолатни тиклаш мақсади билан боғлиқ. Бундай мувозанат доирасида жиноий ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида мусодара қилинган мол-мулкни, жумладан, пул маблағларини айбдор шахснинг қўлида қолдириш мумкин эмас. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бунда мулкдан қонуний (расмий) маҳрум қилиш назарда тутилмайди. Сабаби, жиноий йўл билан олинган мулкка бўлган мулквий ҳуқуқлар тегишли суд ҳужжати асосида бекор қилиши мумкин;

2) жиноят содир этиш қуроли, предмети ва воситалари мусодара қилиниши лозим.

Бу аниқ мақсад профилактик мақсад билан энг яқин алоқага эга ва маҳкумнинг ўзи томонидан ҳам, бундай мулкдан фойдаланиш имконига эга бўлган бошқа шахслар томонидан ҳам жиноят қуроли, предмети ва воситаларини янги жиноятларни содир этишда қайта ишлатилишига йўл қўймаслик мақсад қилинган;

3) мулквий муносабатларни қайта тиклаш ва тартибга солиш мақсади. Бунда қандай мулк мусодара қилиниши керак, мусодара қилиш мулк эгасининг манфаатларини бузилишига олиб келадими? деган масала юзага келиши мумкин. Мусодара қилишда мулквий ҳуқуқларнинг тикланиши ундан қонунда рухсат берилган мақсадларда фойдаланиш кераклигида намоён бўлади. Чунки агар мулкдор мулкдан жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланган бўлса, у мусодара қилинади;

4) жиноий гуруҳ ёки уларнинг фаолиятини моддий таъминотдан маҳрум этиш. Бунда гап терроризмни, оммавий қирғин қуролини тарқатишни ёхуд жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмани молиялаштириш ёки бошқача тарзда таъминлаш учун мўлжалланган ёки фойдаланиладиган пул маблағлар ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида бормоқда. Чунки мазкур мол-мулк ва пул маблағларини мусодара қилиш орқали уларнинг жиноий фаолияти моддий таъминотдан маҳрум қилинади;

5) билвосита молиявий мақсад мавжуд. Чунки мол-мулкни мусодара қилиш натижасида етказилган мулкий зарар қоплаб берилиши билан бир қаторда мулк ёки пул маблағлари давлат даромадига ҳам ўтказилади. қисқа қилиб айтганда, мусодара – бу мусодара қилинган мулкка нисбатан давлат мулкчилиги шаклининг пайдо бўлиш асосларидан биридир.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мусодара қилиш институтининг юқоридаги барча мақсадлари ҳам умумий, ҳам махсус бўлиб, улар бири-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Шу билан бирга, мусодара қилиш институти қўлланилган ҳар бир ҳолатда унинг барча мақсадларига бир хил даражада эришиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, мусодара қилиш тушунчаси ва мақсадидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтаемиз.

Н.А. Лопашенконинг фикрига кўра мулкни мусодара қилиш қўйидаги хусусиятларга эга:

1) жиноий жазоларга эмас, балки жиноят-ҳуқуқий характердаги бошқа чораларга тегишли;

2) мулкни тортиб олиш ва уни бошқа мулкка, яъни давлат мулкига айлантиришни назарда тутаяди;

3) мажбурий характерга эга;

4) ҳақ тўламасдан, бепул олиб қўйишни назарда тутаяди;

5) фақат суднинг ҳукмига асосан тайинланиши мумкин;

6) қонунда кўрсатилган мулкка нисбатан қўлланилиши мумкин [6, Б.69].

Фикримизча, ушбу муаллиф томонидан билдирилган аксарият фикрлар билан келишиш мумкин. Бироқ, мусодара қилиш ҳар доим ҳам суднинг ҳукми билан амалга оширилмаслиги мумкин.

Л.А. Алексеева жиноят-ҳуқуқий характердаги бошқа чора сифатида мулкни мусодара қилишнинг қўйидаги белгиларини ажратиб кўрсатган:

1) мусодара – бу биринчи навбатда, мулкни тортиб олиш;

2) мусодара фақат суд ҳукми билан қўлланилиши мумкин;

3) мусодара – бу мажбурий тартибда амалга оширилади. Мусодара қилиш мажбурияти шундан иборатки, ҳукм қонуний кучга киргач, маҳкум ва унинг оила аъзоларининг хоҳиш-иродасига қарши бўлган ҳолда, маълум бир мулк тортиб олинади;

4) мусодара қилиш жазо эмас, лекин жиноий-ҳуқуқий характердаги мажбурият чорасидир;

5) мусодара – текин тортиб олиш. Мусодара қилишнинг ҳақини тўламасдан, бепул олиб қўйилиши мусодара қилинган мол-мулкнинг компенсация қилинмаслигини билдиради;

6) мусодара қилинган мулк давлат даромадига ўтказилади [1, Б.21].

Юқоридагиларга кўра, мол-мулкни мусодара қилишнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

Биринчидан, мусодара қилиш мажбурий амалга оширилади. Бунда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга таъсир кўрсатиш чораси сифатида мол-мулк унинг эгаси хоҳишидан қатъий назар давлат фойдасига олиб қўйилади.

Хусусан, бир гуруҳ олимлар [8, Б.28] мусодарага хос бўлган энг муҳим хусусият сифатида мол-мулкнинг давлат фойдасига мажбурий равишда олиб қўйилишини ўз илмий асарларида қайд этишган.

Мусодара қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу билдирилган фикрга қисман қўшилиш мумкин. Чунки мусодара қилишнинг бошқа мулкнинг санкциялардан фарқи шундаки, бунда ҳар қандай мол-мулк (предмет) бепул тарзда давлат ҳисобига олиб қўйилади ҳамда давлат олиб қўйилган ушбу мол-мулкларни ихтиёрий равишда тасарруф этиш имкониятига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мусодара қилишда ушбу чоранинг суд томонидан қўлланиши ҳам унинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бироқ, бизнинг фикримизча, мусодара қилишда мол-мулкнинг давлат томонидан ҳақини тўламасдан олиб қўйилиши унинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Чунки мусодара қилишда мусодара объектига кирувчи ҳар қандай мол-мулк мулкдор хоҳишидан қатъий назар мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказилади. Мол-мулкни мусодара қилиш жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, у ҳар қандай жазо тури ва жиноий-ҳуқуқий характердаги ҳар қандай чора-тадбирлар сингари, давлат мажбурлов чораси ҳисобланади.

Иккинчидан, мол-мулкни мусодара қилиш суднинг ҳукми ёки ажримига асосан амалга оширилади.

Мисол учун, ЖПКнинг 289-моддасига асосан хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки мусодара этилади.

Яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шарт билан суд томонидан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, ушбу чора жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади.

Учинчидан, юқорида кўрсатилгандек, ҳозирги вақтда мулкни мусодара қилиш жазолаш тамойилидан ажралган ҳолда қўлланилмоқда [2, Б.240].

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг асосий мақсади шахсни жиноят қонунини қайта-қайта бузилишидан қайтаришдир [4, Б.26].

Ушбу хусусиятга кўра мулкни мусодара қилиш мулкнинг ҳуқуқий чекловлар мажмуи ҳисобланади ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораси сифатида қўлланилади.

Тўртинчидан, мусодара қилинадиган мол-мулк объектларининг мавжудлиги.

Бунда жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг барча мол-мулки мусодара қилинмайди, фақат унинг содир этилган жинояти ва у билан боғлиқ бўлган мол-мулклари мусодара қилиниши мумкин.

Бизнинг фикримизча уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

– жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек ушбу мол-мулдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф;

– жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулк;

– терроризмни, ёхуд жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмани молиялаштириш ёки бошқача тарзда таъминлаш учун мўлжалланган ёки фойдаланиладиган пул маблағлар ва бошқа мол-мулк.

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси 5-моддаси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси 12-моддасида иштирокчи-давлатлар жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни ёки ушбу даромадларга қийматига тенг бўлган мол-мулкни, шу жумладан, жиноятни содир этишда фойдаланиш учун мўлжалланган ёки жиноят содир этиш мақсадида ажратилган воситаларни мусодара қилиш имконини берувчи чораларини кўриши лозимлиги белгиланган.

Бешинчидан, мол-мулкни мусодара қилиш жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутди. Бунда, аввало, жиноят натижасида жабр кўрган шахсларга етказилган зарар айбдор шахсларнинг мусодара қилинган мол-мулкидан қоплаб берилади.

Олтинчидан, жиноят содир этган шахснинг оила аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар мусодара қилинмайди. Суд жазонинг мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий адолатни тиклаш мақсадида маҳкумни барча мулкдан маҳрум қила олмайди.

Бироқ, бизнинг фикримизча, назарий жиҳатдан, агар маҳкумнинг барча мол-мулки жиноятга алоқадорлиги исботланса, унинг оила аъзоларининг манфаатларидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак.

Еттинчидан, мулкни мусодара қилиш замонавий шаклда жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг мустақил шакли ҳисобланмайди. Чунки суд уни мустақил равишда қўллаши мумкин эмас ва ҳар доим жазо билан биргаликда қўлланилади.

Бундан ташқари, мусодара қилишни уни асосий ва қўшимча жазо тури билан бирлаштириш мумкин. Бу мол-мулкни мусодара қилишни бошқа жиноий-ҳуқуқий характердаги чоралардан ажратиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, мулкни мусодара қилиш белгилари у ёки бу даражада унинг моҳияти ва мазмунини акс эттиради.

Шундай қилиб, юқорида айтилганларга асосланиб, қуйидаги асосий хулосаларни шакллантириш мумкин.

Мулкни мусодара қилишнинг моҳияти остида, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши учун унинг мол-мулкни мажбурий равишда ҳақини тўламасдан олиб қўйиш ва бу мулкни давлат мулкига айлантириш ётади.

Мусодара қилишнинг мақсади эса, айбдор шахснинг жиноий йўл билан бойлик орттиришига йўл қўймаслик, айбдор ёки бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда шахснинг жиноят натижасида қўлга киритган мол-мулкни ҳақ тўламаслик шарти давлат фойдасига ўтказишдир.

Мусодара қилишнинг асосий белгилари сифатида унинг мажбурийлигини, ҳақини тўламасдан давлат фойдасига ўтказилишини, фақат суд томонидан қўлланилишини, қонун ҳужжатларида мулкни мусодара қилишни қўллашда чекловлар белгиланмаганлигини, мусодара қилинадиган мол-мулк объектларининг мавжудлигини кўрсатиш мумкин.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мусодара тушунчасига бериладиган таърифлар ушбу институтнинг қайси соҳага тегишлилиги жиҳатидан фарқ қилади. Шунингдек, мазкур тушунчанинг жиноий жазо ёки хавфсизлик чораси тариқасидаги махсус мусодара сифатида қаралиши жиҳатидан ҳам соҳа олимлари томонидан бир-биридан фарқ қилувчи таърифлар билдирилганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур институтнинг ўзи хос хусусиятларини очиб бериш масаласида эса, бошқачароқ ҳолатни кузатишимиз мумкин. Зеро, мусодара тушунчаси мазмунини таърифлашда қарашлар хилма-хиллигини кўрадиган бўлсак, унинг хусусиятларини очиб беришда олимлар ўзаро яқин ва айрим ўринларда, деярли бир хил бўлган фикрларни илгари суришган.

#### Adabiyotlar / Литература / References:

1. Алексеева Л.А. Иные меры уголовно-правового характера. Орел, 2009. С. 21–22.
2. Бавсун М.В., Николаев К.Д., Самойлова С.Ю. Конфискация имущества в российском уголовном законодательстве: монография. – М.: Юрлитинформ, 2016. – 240 с.
3. Беляев А. Новое уголовно-правовое регулирование конфискации имущества // Уголовное право. 2007. № 2. С. 17.
4. Бубон К.В. О сути и смысле восстановления конфискации имущества в Уголовном кодексе Российской Федерации // Адвокат. 2008. № 11. С. 47.
5. Курдиани З.В. К вопросу о целях конфискации // Известия вузов. Северо-Кавказский регион. Серия: Общественные науки. 2010. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-tselyah-konfiskatsii> (дата обращения: 03.09.2021).
6. Лопашенко Н.А. Конфискация имущества. М., 2012. С. 69.
7. Мельников М.Г. Конфискация имущества как иная мера уголовно-правового характера // Общество и право. – 2016. – № 1. – С. 126.
8. Никулочкин Е.О., Баранов Ю.Н., Попова Т. В. Повышение эффективности государственного и муниципального управления: опыт, проблемы, перспективы: материалы восьмой Всерос. науч.-практ. конф. (Челябинск, 28 октября 2011 г.). – Челябинск : Челябинский филиал РАНХиГС, 2011. – С. 28–34. Данилов М.В. Понятие и содержание иных мер уголовно-правового характера // Право и жизнь. – 2015. – № 7. – С. 2.

9. Пропостин А. Конфискация имущества как мера борьбы с преступностью: прошлое, настоящее, будущее. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Томск – 2010. С 7.
10. Сверчков В.В. Правовая природа конфискации имущества // Современная юриспруденция. – 2016. – № 8. – С. 94.
11. Уголовное право России: Практический курс / под общ. ред. А.И. Бастрикина; под науч. ред. А.В. Наумова. М., 2007. С. 285.
12. Хачак Р.А. Цели конфискации имущества как иной меры уголовно-правового характера // Российский следователь. 2009. № 5. С. 23.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).